

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

46 -сонли

18.11. 2022 йил

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Миришкор туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси номидан Ишом асосида иш юритувчи корхона директори Ё.Жалолов бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган MEGA-PLANETA-SERVIS MCHJ номидан Ишом асосида иш юритувчи корхона раҳбари Ж.Муртозаев иккинчи томондан Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг 2022 йил №VI-50-129-4-0-0К/22-сонли қарорига асосан қўшимча маблағлар доирасида Қарши тумани "Қат" МФЙ СухбатЛалми Токзор кўчаларини 1,042км олиб боровчи ички йўлни жорий таъмирлаш 1,042км мазкур пудрат шартномани туздилар.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада таърифлар қуйидаги қўлланилади:

"ижро ҳужжатлари": - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синовий тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

"йўл қурилиш майдони": Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган йўл. Объектнинг йўл қурилиш майдонини чегарасини ажратиш қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белигилаб қўйилади.

"вактинчалик ишлар": Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатилган ва ишлар бажариш учун зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

"беркитилган ишлар": сифати ва яқинлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартномани нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ ЛОТ 22110012184074 Қарши тумани "Қат" МФЙ СухбатЛалми Токзор кўчаларини 1,042км қисминини (смета ҳужжатларида кўзда тутилган ишлар ҳажми миқдорида) лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида жорий таъмирлаш бўйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига йўл қурилиш ишларини бажариш учун зарур шaroитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича "Объектнинг" умумий қиймати, лойиҳа-смета ҳужжатларида ҳисоблаб чиқилган, давлат (ёки хусусий) экспертизаси томонидан белгилаб берилган ва ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларининг ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 196 401 145 (Бир миллиард бир юз ун миллион) сўмини ташкил этади.

-йўл қурилиш қиймати ва қўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

-ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

-объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

4. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

6. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда йўл қурилиш объекти нархидаги ишларни энг камида 50% ни

ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларида топириши;

- буюртмачининг пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан тузилиши, шартнома мазмунини, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- йўл қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш;

- йўл қурилиш майдонини қурикланишини таъминлаш;

- йўл қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб ижтимоий ҳимояси ва техник ҳафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

7. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 % дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкний жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари.

8. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий йўл қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 2 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

VI. Ишларни бажариш муддати

9. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб; кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга қиради;

10. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жалвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

11. Объектда бажариладиган йўл қурилишнинг давом этиш вақти ----- 1-жадвалга асосан амалга оширилади.

12. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар

13. Буюртмачи шартнома бўйича бажарилган ишлар тўловини маблағларни молиялаштирувчи орган томонидан белгиланган тартибда харажатлар сметаси асосида маблағлар ажратилгандан сўнг молиялаштиради. Молиялаштирувчи орган томонидан мазкур йўл қурилиши учун маблағ билан таъминланмаган тақдирда, буюртмачи бажарилган ишлар учун тўловларни шартномада белгиланган муддатда амалга ошириш мажбуриятини олмайди.

14. "Буюртмачи" "Молиялаштириш жадвали" га (2-илова) кўра шартнома тузилган санадан беш банк кунда "Пудратчи" га шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг Давлат (Маҳаллий) бюджетидан ажратилган маблағнинг 30 фоизи миқдорида аванс 58 920 343 (Эллик саккиз миллион туккиз юз йигирма минг уч юз қирк уч) сум маблағи билан молиялаштирилади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун "молиялаштириш ва ишларни бажариш" жадваллари асос ҳисобланади (1 ва 2-илова)

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш на молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 100 фоизи доирасида амалга оширилади. Тулов амалга ошириладиган пайтда бажариладиган ишлар суммасининг 3% миқдорида Бош пудрачининг харажати ушлаб қолинади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узл-қесил ҳисоб-китоб йўл қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 0 миқдорида амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Пудратчи мазкур шартнома бўйича йўл қурилиш белгиланган муддатда фойдаланишга топширилиш белгилансин. "Объектнинг" умумий қиймати, лойиха-смета ҳужжатларида ҳисоблаб чиқилган, давлат (ёки

хусусий) экспертизаси томонидан белгилаб берилган тартибда ажратилган маблағларни асоссиз равишда кейинги йилга ўтказилганда Буюртмачи қайта ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятини олмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи йўл қурилиш майдонида ўз вакилини - Техник кузатиш вакилини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник кузатиш вакили ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник кузатиш вакили ишлаши учун жой ва ҳудудга бориб келиш учун транспорт воситаси билан таъминлайди. Техник кузатиш вакили Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунотазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга рўя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тўпроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тўпроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи йўл қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари улчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида ҳатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия қилиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиш схемаларини ва жалваларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини қафолатлайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва Қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисmini ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар бўларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ёки унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлиги аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қучлари билан қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартномани 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи

уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи йўл қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл учас- ва йўлакларини суғуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ва Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳоми- эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар, берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узл-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтаридида фикрнинг баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларни ўз зиммасига олади.

IX. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

39. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч натижасида қилиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

40. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда қўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

41. Агар томонлар икки ой ичида қилишга олмадилар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. Қурилиш тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш

42. Қурилиш тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектнинг фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

43. Объектнинг фойдаланишга тайёрилиги тўғрисида Пудратчини ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

44. Пудратчи қурилиш тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган тартибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради, Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос қилиниши ёзма равишда тасдиқлаши керак.

45. Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинган вақтдан бошлаб объект ободонлаштиришнинг балансига қабул қилиб олинади.

XI. Кафолатлар

46. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материалари, асбоб - ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифати, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

47. Объект ва унга қиладиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиш тугаллаган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 ой этиб белгиланади.

48. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларини бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг

камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

49. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тутишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорат инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XII. Шартномани бекор қилиш

50. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи:

- ишлар бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан асоссиз равишда молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

52. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

53. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида­сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдириш­нома юборади.

54. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

55. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

56. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқа жавобгарликка тортилади.

57. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

58. Агар бажарилмаган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 10 фоизи миқдорида ундириш ҳуқуқига эга.

59. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

60. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқа тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XIV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

61. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка қелишиб оладилар.

62. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциявий олддини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

63. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органилари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинисига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (қелажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

64. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органилари, мансабдор шахслари ва ходимдари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш қўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга ҳилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг қелиб қиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш қўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг қимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундаш, таъйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабарлор қилиши шарт.

65. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини қўлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьютерлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

-коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

-улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни фақат тарафнинг оддий қундалиқ фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурияти доирасидан қелиб қиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

66. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга таъйик ўтказилмаслигини қафолатлайдилар.

67. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳам зудлик билан хабарлор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишнинг талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қондабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўрилмаган ёки қўриб қиқиш натижалари ҳақида хабардор қилинган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

68. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этаолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан қўриб қиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

69. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро қелишувлари ўз қучини йўқотади.

70. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бIRON-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

71. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

72. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

73. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

74. Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан пудратчи корхоналар билан тузилган шартномалар, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар фазначилик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга киради.

75. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, томонлар имзо чеккан бўлсалар ҳақиқий деб ҳисобланади.

76. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари, нормалари қўлланилади.

XVII. Шартномани амал қилиш муддати.


77. Мазкур шартноманинг амал қилиши қурилиш-таъмирлаш ишлари якунлангунча 2022 йил 31 декабргача қилиб белгиланди.

78. Қурилиш-таъмирлаш ишлари бирор томон айби билан якунланмай қолганда, ишлар тўхтатилмаган ҳолда қолдиқ ишлар қўшимча келишув орқали кейинги йилга ўтказилади. Бу айбдор томонни етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

79. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

Пудрат шартномага, йўл қурилиш ишларини бажарилиши 1-сонли эсдавали, ишларни (боққичларга бўлган ҳолда) молиялаштириш 2-сонли эсдавали ва юридик ҳулоса илова қилинади.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари.

Буюртмачи:	Пудратчи:
Миришкор туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси Манзили: Миришкор тумани янги Миришкор шаҳарчаси Тел: 75 652-11-72 ИНН: 200 701 395 ОКЭД: Ҳазна х/р 23402000300100001010	"MEGA- PLANETA- SERVIS" МЧЖ Манзили: Қарши шаҳри Тел: 952-11-72 ИНН: 306419137 МФО:00194 ОКЭД:
Банк: Тошкент Марказий банк ХККМ МФО:00014 Х/р: 470010800102337045193118002.	Банк: ТИФ Миллий банк Қарши шаҳар филиали. МФО:00194 Х/р: 2108000030507814300
Директор:  Ё.Жалолов.	Директор:  Ж.Муртазаев

Бош юрист: 

№ 110 13-13-012-0526 17.07.2021

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Миришкор туман йўллардан
фойдаланиш унитар корхонаси
директори

Е.Жалолов

18.11. 2022 йил

№ 09

Янги Миришкор

Карши тумани "Кат"МФЙ Сухбат Лалми Токзор кучаларни олиб борувчи
йўлнинг жорий таъмирлаш 1,042 км танлов асосида шартнома тузишни ташкил
қилиш комиссиясининг

ТАНЛОВ КОНКУРС Б А Ё Н И :

Комиссия раиси КУК раиси: О. Усмонов

АЪЗОЛАРИ:

И.Шодиев

бош мутахассис

Ф.Бабалов

ЙББ

Ж.Ражабов

Бош механик

Х.Эллиев

бош мутахассис

Ф.Эгамбердиев

Кадрлар буйича инспектор

Кун тартибда куриладиган масала:

Карши тумани "Кат"МФЙ Сухбат Лалми Токзор кучаларни олиб борувчи
йўлнинг жорий таъмирлаш 1,042 км 2022 йил ноябрь ойларида "MEGA-PLANETA-
SERVIS"МЧЖ билан шартнома килиш ва шартномани тасдиқлаш тугрисида.

Комиссия танлов конкурсга қатнашган вакилларнинг таклифларини кўриб
чиқиб, Карши тумани "Кат"МФЙ Сухбат Лалми Токзор кучаларни олиб борувчи
йўлнинг жорий таъмирлаш 1,042 км 2 та маъсулияти чекланган жамияти
қатнашаётганлигини эълон қилди. Улар куйидагича:

1.ООО ASBOB SERVIS JIXOZLARI 207 790 679.0

2. "MEGA-PLANETA-SERVIS"МЧЖ 196 501 145

Танлов конкурс буйича 2022 йил 10 ноябрь кунида лот №2210012184071
сонли протокол эълон куйилгандан кейин 2 та ташкилот узини таклифлари билан

қатнашди ва энг юкори балл "MEGA-PLANETA-SERVIS"МЧЖ олди ва 2 кун
мухокамада куйилди ҳамда бошка эътирозлар булмагандан кейин "MEGA-
PLANETA-SERVIS"МЧЖ билан шартнома тузилди.

ТАНЛОВ КОНКУРС КОМИССИЯ ҚАРОРҚИЛАДИ:

1. "MEGA-PLANETA-SERVIS"МЧЖ ғолиб деб топилсин.

2. "MEGA-PLANETA-SERVIS"МЧЖ кохонаси томонидан тавсия этилган
Карши тумани "Кат"МФЙ Сухбат Лалми Токзор кучаларни олиб борувчи йўлнинг
жорий таъмирлаш 1,042 км шартнома тузиш бош мутахассис И.Шодиев
топширилсин.

**184074 лот юзасидан шаклланган дастлабки
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана:

18.11.2022 14:35

Комиссия раиси:

USMANOV OLIMJON TO'YCHIYEVICH

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 184074 на приобретение Карши туман "Кат" МФЙ Сухбат Лалми Токзор кучаларини жорий таъмирлаш 1,042 км

Способ проведения электронный

Дата 15.11.2022

Время рассмотрения 15.11.2022 19:34

Закупочная комиссия Миришкор туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси, (Далее - Комиссия) в составе:

Председатель комиссии USMANOV OLIMJON TO'YCHIEVICH bosh muhandiz mirishkor TYFUK

Секретарь комиссии SHODIYEV INOYAT SUNNATOVICH bosh mutahassis Mirishkor TYFUK

Член комиссии BABALOV FAXRIDDIN PO'LATOVICH yo'l bo'limi boshlig'i Mirishkor TYFUK

Член комиссии EGAMBERDIYEV FAXRIDDIN JUMAYEVICH kadr Mirishkor TYFUK

Член комиссии ELIYEV XIDIRQUL JABBOR O'G'LI bosh mutahassis Mirishkor TYFUK

Член комиссии RAJABOV JOBIR SAYDULLAYEVICH bosh mehanik Mirishkor TYFUK

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 15.11.2022 года № лота 184074.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 75

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по ремонту и содержанию автомобильных дорог
Подробное описание	Карши туман "Кат" МФЙ Сухбат Лалми Токзор кучаларини жорий таъмирлаш 1,042 км
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	207 790 679.00
Стартовая сумма	207 790 679.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Корхона ёки МЧЖ хакида тулик маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхона ёки МЧЖ хакида тулик маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MEGA-PLANETA-	10	196401145	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SERVIS MCHJ						
ООО ASBOB SERVIS JIXOZLARI	10	207790679	9	Экспертная		

Критерий №2 Шунга ухшаган ишларни 2021 -2022 йилларда бажарилганлиги тугрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Шунга ухшаган ишларни 2021 -2022 йилларда бажарилганлиги тугрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MEGA-PLANETA-SERVIS MCHJ	20	196401145	20	Экспертная		
ООО ASBOB SERVIS JIXOZLARI	20	207790679	18	Экспертная		

Критерий №3 Таъмирланадиган объектнинг умумий суммасига нисбатан камида30% микдорида банк айланмасида маблаг борлиги ва хисоб ракамларига катотека мавжуд эмаслиги тугрисида кафолат хати.

Тип: Текстовое значение

Описание: Таъмирланадиган объектнинг умумий суммасига нисбатан камида30% микдорида банк айланмасида маблаг борлиги ва хисоб ракамларига катотека мавжуд эмаслиги тугрисида кафолат хати.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MEGA-PLANETA-SERVIS MCHJ	20	196401145	20	Экспертная		
ООО ASBOB SERVIS JIXOZLARI	20	207790679	17	Экспертная		

Критерий №4 Мавжуд Машишна механизмлар тугрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Мавжуд Машишна механизмлар тугрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MEGA-PLANETA-SERVIS MCHJ	20	196401145	19	Экспертная		
ООО ASBOB SERVIS JIXOZLARI	20	207790679	18	Экспертная		

Критерий №5 Малакали мутахассислар тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Малакали мутахассислар тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MEGA-PLANETA-SERVIS MCHJ	15	196401145	15	Экспертная		
ООО ASBOB SERVIS JIXOZLARI	15	207790679	13	Экспертная		

Критерий №6 Солик ва мажбурий туловлардан карздорлик мавжуд эмаслиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: Солик ва мажбурий туловлардан карздорлик мавжуд эмаслиги.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MEGA-PLANETA-SERVIS MCHJ	15	205000000	15	Экспертная		
ООО ASBOB SERVIS JIXOZLARI	15	207790679	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО ASBOB SERVIS JIXOZLARI	207 790 679.00	207 790 679.00 UZS	207 790 679.00	00.00	207 790 679.00	15.11.2022 11:56:13	9.45187
MEGA-PLANETA-SERVIS MCHJ	207 790 679.00	196 401 145.00 UZS	196 401 145.00	00.00	196 401 145.00	15.11.2022 11:12:50	10

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО ASBOB SERVIS JIXOZLARI	81	9.45187	90.45187
MEGA-PLANETA-SERVIS MCHJ	89.1	10	99.1

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 184074 от 15.11.2022 года на приобретение Карши туман "Кат" МФЙ Сухбат Лалми Токзор кучаларини жорий таъмирлаш 1,042 км определила победителем:

MEGA-PLANETA-SERVIS MCHJ
306419137

и резервный исполнитель: ООО ASBOB SERVIS JIXOZLARI (300136859)

Проголосовали

Комиссия	Ф И О	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	USMANOV OLIMJON TO'YUCHIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	BABALOV FAXRIDDIN PO'LATOVICH	Согласен	
Член комиссии	BOAMBERDIYEV FAXRIDDIN LUMAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	ELIYEV XIDIROUL JABBOR O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	RAJABOV JOVIR SAYDULLAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Қашқадарё вилояти

180100, Qarshi Shahri, I.Karimov shox ko'chasi 60a-uy. Tel/Faks (375) 221-06-65, 221-10-90 E-mail:
kashdavekspertiza@mail.ru, www.ekspertiza.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijoiy

Direktor: Eshbabayev Maxmud Mustafayevich

Sana: 26-09-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 62688

Obyekt nomi «"Obod qishloq" dasturi zaxira mablag'lari doirasida 2022 yilda Qashqadaryo viloyati Qarshi tumani ichki ko'chalarini joriy ta'mirlash»

Buyurtmachi - Qashqadaryo Mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati" DUK

Bosh loyihachi - "BARKAMOL PRESS" MCHJ

Litsenziya AL-000498

Moliyalashtirish manbai - Davlat budjeti

Bosh pudratchi - Tanlov (Tender) asosida

Qurilish turi joriy ta'mir

Murojaat raqami: № 60016

1. Loyihalash uchun asos

1.1. Buyurtmachining 2022 yil 19-sentyabrdagi 489-sonli xati

1.2 "Qashqadaryo Mintaqaviy yo'llarga Buyurtmachi xizmati" DUK bosh muxandis E.Xidirov
va komissiya a'zolari tomonidan imzolangan "Nuqsonlar dalolatnomasi"

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

2.1. "Qashqadaryo Mintaqaviy yo'llarga Buyurtmachi xizmati" DUK bosh muxandis E.Xidirov
va komissiya a'zolari tomonidan imzolangan "Nuqsonlar dalolatnomasi"

- Ob'ektning joriy narxlardagi umumiy smeta qiymati.
- Joriy narxlarda talab qilinadigan resurslar qiymati
- Fizik ish hajmlari ro'yxati (5-shakl)

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

3.1. Nuqson dalolatnomasiga asosan quyidagi ishlar bajarilishi ko'zda tutilgan:

Shag'al asosli qoplama

Kat MFY Suhbat Lalmi Tokzor ko'chalarini joriy tamirlash 1,042 km

Avtogreydir bilan yo'l poyi tuprog'ini tekislash

Avtogrednda suv ketqazish ariqlarini ochish

Qum-shag'al aralashmasidan 18sm qalinlikda asos yotqizish

Asosiy texnik-iqtisodiy ko'rsatkichlari:

Ob'ektning QQS bilan, buyurtmachi xarajatlarisiz

joriy narxlardagi smeta qiymati

- 207 790,679 ming so'm

shu jumladan:

Shag'al asosli qoplama

Kat MFY Suhbat, Lalmi, Tokzor ko'chalarini joriy tamirlash 1,042 km

207 790,679 ming so'm

Qurilish ishchilarining mehnat xarajatlari:

- 203,759 kishi/soat

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Loyihaviy yechimlar bo'yicha.

Ekspertizaning mulohazalari qabul qilindi, kamchiliklar yo'q.

6.2. Smeta qismi bo'yicha:

Mutaxassis tasdiqlangan ishchi loyiha smeta hujjatlarini ko'rib chiqdi.

Xarajatlar darajasi tekshirildi: ish xaqi, mashina va mexanizmlarning ishlashi, asosiy qurilish materiallari ShNK 4.02.00-05 normalariga va Qashqadaryo YMFYK ning № K-24-21, № K-40-22 Nishon TYFUK №23/21, Qarshi YMFYK ning № K-33-22 ga muvofiq.

"Uslubiy tavsiyalar" va ShNK 4.01.16-09 asosida amalga oshirilgan ob'ekt narxini amaldagi narxlarda aniqlash hisob kitobi asosida ko'rib chiqildi. Quruvchi- ishchilarning o'rtacha soatlik ish haqi ijtimoiy sug'urtani hisobga olgan holda 20538,482 so'mni tashkil etadi. sug'urta 12%, pudratchining boshqa harajatlari 17,21 % tashkil etadi.

Qurilish materiallari va konstruksiyalarining narxlari "O'zbekiston Respublikasining qurilish sanoatida foydalanadigan moddiy-texnika resurslari uchun 2021-2022 yil amaldagi narxlar katalogi" bo'yicha mintaqadagi o'rtacha me'yorlarni hisobga olgan holda tekshirildi.

Buyurtmachi tomonidan amaldagi narxlarda e'lon qilingan ob'ekt qurilishining taxminiy qiymati **207 790,679** ming so'm miqdorida taqdim etilgan Mebel va inventar narxlari buyurtmachi tomonidan nazorat qilinadi..

Qurilish ishchilarining mehnat xarajati **203,759** kishi/soati

Yakuniy narx buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilishni tugagandan so'ng, nazorat o'lchovi natijalari asosida aniqlanadi.

Buyurtmachi smeta hujjatlarini tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi lozim.

7. Xulosalar.

7.1 "Obod qishloq" dasturi zaxira mablag'lari doirasida 2022 yilda Qashqadaryo viloyati Qarshi tumani Ichki ko'chalarini joriy ta'mirlash loyiha-smeta hujjatlari ekspertiza tekshiruv

natijalarini hisobga olgan holda ko'rib chiqilib, quyidagi texnik-iqtisodiy ko'rsatkichlar bilan kelishishga tavsiya etiladi.

Ob'ektning QQS bilan, buyurtmachi xarajatisiz

joriy narxlardagi smeta qiymati

- 207 790,679 ming so'm

shu jumladan:

Shag'al asosli qoplama

Kat MFY Suhbat, Lalmi, Tokzor ko'chalarini joriy tamirlash 1,042 km

- 207 790,679 ming so'm

Qurilish ishchilarining mehnat xarajatlari:

- 203,759 kishi/soat

7.2 O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003 yil 11 iyundagi 261-sonli qarori bilan tasdiqlangan "Ob'ektlarni qurish qiymatini shartnomaviy joriy narxlarda belgilash tartibi to'g'risidagi vaqtinchalik nizom" va Vazirlar Mahkamasining 2007 yil 26 apreldagi 243-sonli qaroriga ko'ra, ob'ektning tavsiya qilinayotgan boshlang'ich qiymati tanlov savvdolarini o'tkazish uchun mo'ljallangan va shartnoma tuzish uchun asos bo'lmaydi.

Bosh mutaxassis: Jarkix Natalya Petrovna

СВОДНАЯ ОБЪЕКТНАЯ СМЕТА

Қарши тумани ички хўжалик йўлларини жорий таъмирлаш

N п.л.	Месторасположения дорог	Основная зарплата, т.сум	Экс машин и механизмов, т.сум	Строительные материалы, т.сум	ИТОГО	Прочие затраты и расходы		Затраты на страхование строитель- ства объекта %	Всего СМР ИЖС 15%
						17,21%	7		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	
	Қўм-шағал аралашмали қоплама қуриш								
1	Қарши тумани "Қат" МФЙ Сухбат, Лаами, Тоқзор кўчаларини жорий таъмирлаш 1,042 км								
	ВСЕГО								

Заказчик:

Исполнитель:



ЛОКАЛЬНАЯ РЕСУРСНАЯ ВЕДОМОСТЬ № 1-0

ТРАКТОРЫ РАБОТАЮТ

ДЕФЕКТИВНЫЙ АКТ

Наименование работ и затрат	Единица измерения	Количество	
		на од. измерения	по проектным данным
4	5	6	7
ЗЕМЛЯНЫЕ РАБОТЫ			
РАЗРАВЫВАНИЕ ГРУНТА АВТОГРЕЙДЕРОМ	1000 М2	6,2520	
ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНИСТОВ	ЧЕЛ.-Ч	0,21	1,31292
АВТОГРЕЙДЕРЫ СРЕДНЕГО ТИПА 99 (135) КВТ (Л.С.)	МАШ.-Ч	0,21	1,31292
УПЛОТНЕНИЕ ГРУНТА САМОХОДНЫМ КАТКОМ НА ПНЕВМАТИЧЕСКИХ ШИНАХ 16 Т	1000 М2	6,2520	
ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНИСТОВ	ЧЕЛ.-Ч	1,48	9,25296
КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ НА ПНЕВМОКОЛЕСНОМ ХОДУ 16 Т	МАШ.-Ч	1,48	9,25296
ПОЛИВ ВОДОЙ УПЛОТНЕНИЕ ГРУНТА НАСЫПЕЙ 1000 М3	1000 М3	0,6252	
ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ	ЧЕЛ.-Ч	13,91	8,696532
ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНИСТОВ	ЧЕЛ.-Ч	13,91	8,696532
МАШИНЫ ПОЛИВОМОЕЧНЫЕ 6000 Л	МАШ.-Ч	100	62,52
ВОДА	М3		
ПЛАНИРОВКА ПЛОЩАДЕЙ МЕХАНИЗИРОВАННЫМ СПОСОБОМ, ГРУППА ГРУНТОВ 2	1000 М2	6,2520	
ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНИСТОВ	ЧЕЛ.-Ч	1,1	6,8772
АВТОГРЕЙДЕРЫ СРЕДНЕГО ТИПА 99 (135) КВТ (Л.С.)	МАШ.-Ч	0,43	2,68836
БУЛЬДОЗЕРЫ ПРИ РАБОТЕ НА ДРУГИХ ВИДАХ СТРОИТЕЛЬСТВА (КРОМЕ ВОДОХОЗЯЙСТВЕННОГО) 79 (108) КВТ (Л.С.)	МАШ.-Ч	0,67	4,18884
ВЫСТАНОВЛЕНИЕ ПРОФИЛЯ ВОДООТВОДНЫХ КАНАВ АВТОГРЕЙДЕРОМ КМ	КМ	2,0840	
ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНИСТОВ	ЧЕЛ.-Ч	0,29	0,60436
АВТОГРЕЙДЕРЫ СРЕДНЕГО ТИПА 99 (135) КВТ (Л.С.)	МАШ.-Ч	0,29	0,60436
ДОРОЖНАЯ ОДЕЖДА			
УСТРОЙСТВО ОСНОВАНИЙ И ПОКРЫТИЙ ИЗ ПЕСЧАНО-ГРАВИЙНЫХ СМЕСЕЙ	1000 М2	4,6890	
ОДНОСЛОЙНЫХ ТОЛЩИНОЙ 12 (18) СМ	ЧЕЛ.-Ч	41,6	195,0624
ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ	ЧЕЛ.-Ч	19,69	92,32641
ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНИСТОВ	МАШ.-Ч	2,32	10,87848
АВТОГРЕЙДЕРЫ СРЕДНЕГО ТИПА 99 (135) КВТ (Л.С.)	МАШ.-Ч	5,92	27,75888
АВТОПОГРУЗЧИКИ 5 Т	МАШ.-Ч	1,43	6,70527
МАШИНЫ ПОЛИВОМОЕЧНЫЕ 6000 Л	МАШ.-Ч	4,09	19,17801
КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ КОМБИНИРОВАННЫЕ 13 Т НАММ ND 110 S/N	МАШ.-Ч	0,92	4,31388
КАТКИ ДОРОЖНЫЕ 30 Т НАММ 35 S/N	МАШ.-Ч	5,01	23,49189
КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ КОМБИНИРОВАННЫЕ БОЛЬШИХ ТИПОРАЗМЕРОВ ТИПА			
КАТКОВ ФИРМЫ "ВОМАГ" С РАБОЧЕЙ МАССОЙ ОТ 8,8 ДО 9,2 Т	М3	10,5	49,2345
ВОДА	М3	152	712,728
ГРАВИЙНО-ПЕСЧАНАЯ СМЕСЬ	1000 М2	4,6890	
НА КАЖДЫЙ 1 СМ ИЗМЕНЕНИЯ ТОЛЩИНЫ СЛОЯ ДОБАВЛЯТЬ К НОРМАМ С 27-04-003-05	ЧЕЛ.-Ч	3,3	15,4737
ПО 27-04-003-07	МАШ.-Ч	1,5	7,0335
ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНИСТОВ	МАШ.-Ч	1,8	8,4402
КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ КОМБИНИРОВАННЫЕ 13 Т НАММ ND 110 S/N			
КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ КОМБИНИРОВАННЫЕ БОЛЬШИХ ТИПОРАЗМЕРОВ ТИПА	М3	76	356,364
КАТКОВ ФИРМЫ "ВОМАГ" С РАБОЧЕЙ МАССОЙ ОТ 8,8 ДО 9,2 Т			
ГРАВИЙНО-ПЕСЧАНАЯ СМЕСЬ			

Карши тумани "Кат" МФЙ Сухбат, Ладми, Токсор кўчаларини жорий таъмирлаш 1,042 км
(наименование стройки)

ЛОКАЛЬНЫЙ РЕСУРСНЫЙ СМЕТНЫЙ РАСЧЕТ
(локальная ресурсная смета)

№ 1-0

ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ,
(наименование работ и затрат, наименование объекта)

ДЕФЕКТНЫЙ АКТ

В базисных ценах
-- ТЫС. СУМ

РАБОТЫ В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ

1	2	3	4	5	6	
					Сметная стоимость в базисном уровне	Сметная стоимость в текущих ценах
1	2	3	4	5	6	7

РАБОТЫ В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ

ТРУДОВЫЕ РЕСУРСЫ

ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ

ЧЕЛ.-Ч 203,758932

ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНИСТОВ

ЧЕЛ.-Ч 134,544082

СУМ

РАБОТЫ В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ

СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАШИНЫ И МЕХАНИЗМЫ

АВТОГРЕЙДЕРЫ СРЕДНЕГО ТИПА 99 (135) КВТ (Л.С.)

МАШ.-Ч 15,48412

АВТОПОГРУЗЧИКИ 5 Т

МАШ.-Ч 27,75888

БУЛЬДОЗЕРЫ ПРИ РАБОТЕ НА ДРУГИХ ВИДАХ СТРОИТЕЛЬСТВА (КРОМЕ ВОДОХОЗЯЙСТВЕННОГО) 79 (108) КВТ (Л.С.)

МАШ.-Ч 4,18884

КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ НА ПНЕВМОКОЛЕСНОМ ХОДУ 16 Т

МАШ.-Ч 9,25296

МАШИНЫ ПОЛИВОМОЕЧНЫЕ 6000 Л

МАШ.-Ч 15,401802

КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ КОМБИНИРОВАННЫЕ 13 Т ЦАММ ND 110 S/N

МАШ.-Ч 26,21151

КАТКИ ДОРОЖНЫЕ 30 Т НАММ 35 S/N

МАШ.-Ч 4,31388

БОЛЬШИХ ТИПОРАЗМЕРОВ ТИПА КАТКОВ ФИРМЫ "ВОМАГ" С РАБОЧЕЙ МАССОЙ ОТ 8,8 ДО 9,2 Т

МАШ.-Ч 31,93209

СУМ

МАТЕРИАЛЬНЫЕ РЕСУРСЫ

ВОДА

МЗ 111,7545

ГРАВИЙНО-ПЕСЧАНАЯ СМЕСЬ

МЗ 1069,092

СУМ

МАТЕРИАЛЬНЫЕ РЕСУРСЫ

СУМ

МАТЕРИАЛЬНЫЕ РЕСУРСЫ

СУМ

№ 101

Составление сметы на материалы, ресурсы
 Карьер Умалы "Кат" МР-й Сухбат, Пален, Тондор муңаарынан алынган газымардан 1,043 м³

№	Наименование работ и затрат, характеристика оборудования и его масса	Ед-ица изме-рения	Кол-во	Наименование поставщика и пункт поставки	Стоимость материалов на единицу	Объем	расход, норм. потребления		Объем работ
							Результат	на единицу	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	МАТЕРИАЛЬНЫЕ РЕСУРСЫ	МЗ	1066,09						

Составил

